

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

51 Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Бензин ва дизел ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2120-1*

(2011 йил 14 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 513-модда) 12-1-сонли иловасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 2 июлдаги 52-сонли «Бензин ва дизел ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (2010 йил 14 июль, рўйхат рақами 2120) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 28-29-сон, 237-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 31 январь,
3-сон